
ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЁТГАНЛАР

“Адолат” СДП нинг ташаббускор депутатлари О.Дадажонов, Ф.Мирзаев, О.Холиковлар “Адолат” СДП туман Кенгаши раиси Н.Каримов бошчилигида 2-сектор раҳбари, туман прокурори билан ҳамкорликда “Аввал” МФЙ ҳудудидаги “Ўқитувчилар” кўчасида жойлашган кўп қаватли бино-иншоотларнинг мавсумга тайёргарлиги, кўмир заҳираси, электр, газ, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси, уйларнинг эшик ва деразалар, ойналар яроқлилиги, том қисмида амалга оширилган ишларни кўздан кечирмоқдалар. Мутассадиларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар олиб бориш юзасидан керакли тавсиялар берилмоқда Бундан ташқари ҳудуддаги кўчалар тозаланиб, дизенфекция ишлари олиб борилмоқда. Йўл четлари тартибга келтиришда депутатлар бош-қош бўлмоқдалар. Хонадонлардан чиқарилган Маиший чиқиндилар махсус транспортларда белгиланган ҳудудларга олиб кетилмоқда. Фаол депутатлар хонадонма-хонадон юришиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиб, муаммолар ечими бўйича тегишли ташкилотларга сўровномалар юбормоқдалар.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-09-09 16:39:01